

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ
Бошқаруви раиси О.Х. Назаров
2024 йил 10 октябрь

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

1-БҮЛІМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Саёхатчиларни суфурта қилиш қоидалари (бундан бүён матнда Суфурта қоидалари деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖда (Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ олинган Лицензия асосида фаолият юритади, бундан бүён матнда Суфурталовчи деб юритилади) ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлаб чиқилган. Суфурта қоидаларига фаол ҳавола Суфурталовчининг сайтида https://gross.uz/public_offers/travel_pravila_uz.pdf манзили бўйича жойлаштирилган.

1.2. Ушбу Суфурта қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Умумий суфурта соҳасининг «Бахтсиз ҳодисалардан суфурta қилиш» 1-класси ва «Касаллик ҳолати учун суфурta қилиш» 2-класси бўйича Қоидалар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига/доимий яшаш мамлакатига/Суфурta қилинган шахс фуқароси бўлган мамлакатга/Суфурta қилинган шахсга яшаш гувоҳномасини берган мамлакатга чиқаётган (бундан бүён матнда хорижга чиқаётган деб юритилади) саёхатчиларни (Суфурta қилинган шахсларни) суфурta қилиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.3. Суфурta шартномаси Суфурталовчи томонидан ушбу Суфурta қоидаларига мувофиқ расмийлаштириладиган Полисни ёзиб бериш йўли билан тузилади. Шу муносабат билан, ушбу Суфурta қоидаларига боғланган ҳолда, Полис суфурta шартномасининг юридик кучига эга ва қофоз ёки электрон шаклда (бундан бүён матнда Полис ёки Суфурta шартномаси деб юритилади) расмийлаштирилиши мумкин.

Суфурta полиси қофоз шаклида З (учта) бир хил асл нусхадан иборат бўлиб, улардан бири Суфурta қилдирувчига, иккинчиси Элчихоналар ёки Консуллик муассасаларига (уни тақдим этиш талаби мавжуд бўлган тақдирда) берилади, учинчиси эса Суфурталовчининг вакилида қолади.

1.4. Ушбу Суфурta қоидалари асосида Суфурталовчи Суфурta қилинган шахсларга мазкур Суфурta қоидаларида назарда тутилган суфурta ҳодисаси юз берганида Суфурta қилинган шахсларнинг суфурta даврида ва Полис амал қилиши худудида содир бўлган баҳтсиз ҳодиса ва/ёки тўсатдан касалланиш натижасида тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа харажатлари бўйича суфурta тўловини/суфурta таъминотини ташкил қилиш ва/ёки амалга ошириш, шунингдек Суфурta қилинган шахс вафот этган тақдирда суфурta таъминотини тўлаш кўринишида суфурta ҳимоясини тақдим этади.

1.5. Суфурta қилдирувчи ушбу Суфурta қоидалари асосида Шартнома тузган ҳолда, Суфурталовчига товарларни, ишларни, хизматларни бозорда илгари сурис мақсадида, шунингдек тузилган Шартноманинг бажарилишини таъминлаш, янги суфурta дастурлари ва суфурta маҳсулотлари тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Суфурталовчи томонидан алоқа воситалари ёрдамида Суфурta қилдирувчи билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш йўли билан хизматлар сифатини баҳолаш мақсадида Суфурталовчига бериладиган ҳужжатларда мавжуд бўлган шахсга доир маълумотларга ишлов беришга розилигини билдиради.

Агар Суфурta қилинган шахс вояга етмаган шахс бўлса, Суфурta қилдирувчи шахсга доир маълумотларга қонунга мувофиқ, ишончнома ёки ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида ишлов беришга розилик билдириб, унинг манфаатларини кўзлаб иш тутишини кафолатлади. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш шахсга доир маълумотларни ҳам қофоз, ҳам электрон манбаларда йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзgartариш),



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

1-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

улардан фойдаланиш, уларни тарқатиш (шу жумладан узатиш), эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, йўқ қилиш орқали амалга оширилади.

Суфурта қилдирувчининг мазкур розилиги Полиснинг амал қилиши давомида ва суфурта муддати тугаганидан кейин кейинги 5 (беш) йил давомида амал қиласди. Ушбу розилик Суфурта қилдирувчи томонидан Суфурталовчига тегишли ёзма ариза юбориш орқали қайтариб олиниши мумкин.

2-БЎЛИМ. ҚЎЛЛАНАДИГАН АТАМАЛАР

Ушбу Суфурта қоидаларида қўйидаги асосий атамалардан фойдаланилади:

2.1. Полис (Шартнома) – ушбу Суфурта қоидалари асосида Суфурталовчи ва Суфурта қилдирувчи ўртасида расмийлаштириладиган ёзма битим бўлиб, унинг шартларига мувофиқ Суфурта қилдирувчи суфурта мукофотини белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда тўлаш мажбуриятини, Суфурталовчи эса суфурта ҳодисаси юз берган тақдирда суфурта суммаси доирасида суфурта тўловини/суфурта таъминотини амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади. Полис қоғоз вариантининг намунавий шакли ушбу Суфурта қоидаларининг 1-иловасида келтирилган.

2.2. Суфурта суммаси – ушбу Суфурта қоидаларида ва Полисда кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўлиб, узи билан Суфурталовчининг ҳар бир Суфурта қилинган шахсга нисбатан суфурта тўловини/суфурта таъминотини амалга оширишга доир мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодалайди. Ушбу Суфурта қоидаларида Суфурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича, шунингдек Суфурта қилинган шахс баҳтсиз ҳодиса натижасида вафот этганда мазкур суфурта бўйича суфурта суммалари белгиланган.

2.3. Суфурта мукофоти – Суфурта қилдирувчи ушбу Суфурта қоидаларида белгиланган тартибида ва муддатларда Суфурталовчига тўлаши шарт бўлган суфурта учун тўлов.

2.4. Суфурта таваккалчилиги – юз бериши ҳолати учун суфурta амалга ошириладиган эҳтимол қилинган ва тўсатдан юз берган ҳодиса. Ушбу Суфурта қоидалари шартларига кўра қўйидагилар суфурta таваккалчиликлари деб тан олинади:

– Суфурta қилинган шахснинг тўсатдан касалланиши ёки баҳтсиз ҳодисага учраши муносабати билан тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар бўйича назарда тутилмаган харажатларнинг юзага келиши;

– Суфурta қилинган шахснинг вафот этиши.

2.5. Суфурта воқеаси – суфурta ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа.

2.6. Суфурta ҳодисаси – Суфурta қилинган шахс билан суфурta даврида ва Полис амал қилиши худудида суфурta таваккалчилиги юз бериши билан боғлиқ содир бўлган воқеа бўлиб, унинг натижасида Суфурталовчининг ушбу Суфурta қоидаларига мувофиқ суфурta тўловини ёки суфурta таъминотини амалга ошириш мажбурияти юзага келади.

2.7. Суфурta тўлови – Суфурta қилинган шахсга суфурta ҳодисаси юз бериши муносабати билан кўрсатилган хизматлар учун муассасаларга суфурta суммаси доирасида ва ушбу Суфурta қоидаларида белгиланган тартибида Суфурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари.

2.8. Суфурta таъминоти – Суфурta қилдирувчига/Суфурta қилинган шахсга/Наф олувчига суфурta ҳодисаси юз бериши муносабати билан суфурta суммаси доирасида ва ушбу Суфурta қоидаларида белгиланган тартибида Суфурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари.

2.9. Полис амал қилиши даври – Полисда кўрсатиладиган, Полис амал қиласдиган ва ушбу Суфурta қоидаларининг 4-бўлими шартларига мувофиқ Суфурталовчининг суфурta тўловини/суфурta таъминотини амалга ошириш бўйича мажбуриятлари амал қиласди.

2.10. Суфурta даври – Полисда кўрсатилган кунлар сони бўлиб, унинг давомида ушбу Суфурta қоидаларининг шартларига мувофиқ Суфурталовчининг суфурta тўловини/суфурta таъминотини амалга ошириш бўйича мажбуриятлари амал қиласди.

2.11. Саёҳат – Суфурta қилинган шахснинг хорижга кунлар сони билан ҳисобланадиган ҳар қандай сафари (саёҳат, ўқиш, спорт, ишлаш билан боғлиқ сафари, бундан даволаниш мақсадида амалга оширган сафари мустасно).

2.12. Хизматлар – Суфурta қилинган шахсга суфурta ҳодисаси юз берганида кўрсатиладиган, Суфурta дастурида назарда тутилган тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар.

2.13. **Муассаса** – Суфурта қилингандан шахсга хизматлар кўрсатиладиган тиббиёт муассасаси ёки бошқа муассаса (дорихона, ташхислаш маркази ва бошқалар).

2.14. **Ассистанс хизмати** – Суфурталовчи билан тузиладиган шартнома асосида амал қиладиган, суфурта ҳодисалари бўйича сутка мобайнинда мурожаатларни қабул қиладиган, Суфурта қилингандан шахсга юз берган суфурта ҳодисалари бўйича керакли хизматларни олишда ва улар ҳақини тўлашда ёрдам берадиган ихтисослашган ташкилот.

Ассистанс хизмати Суфурта қилингандан шахсга тақдим этиладиган хизматлар сифати ва ҳажмини назорат қилиш, шунингдек Суфурталовчи номидан ва унинг топшириғига қўра Суфурта қилдирувчига/Суфурта қилингандан шахсга суфурта ҳодисаси юз берганида хорижда унинг харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга.

2.15. **Тўсатдан касалланиш** – суфурта даврида ва Полис амал қилиши ҳудудида кутилмагандан юзага келган, сурункали касаллик ва/ёки даволаш амалга оширилганлигидан ёки оширилмаганлигидан қатъи назар саёҳат бошланишига қадар мавжуд бўлган касаллик оқибати бўлмаган, шошилинч ёрдамни талаб қиладиган ва ушбу Суфурта қоидаларида истисно сифатида белгиланмаган касаллик.

2.16. **Шошилинч ёрдам** – тиббий ёрдам бўлиб, у тақдим этилмаган тақдирда, Суфурта қилингандан шахснинг ҳаёти хавф остида қолади.

2.17. **Шошилинч стоматологик ёрдам** – тиш ва тишни ўраб турадиган тўқималар ўткир яллиғланганида, шунингдек бахтсиз ҳодиса натижасида тиш шикастланганида фақат оғриқни қолдириш воситалари ва бирламчи муолажалар (рентген, дори-дармонлар, вақтинчалик пломба қўйиш ёки тишни олиб ташлаш) билан чекланадиган стоматологик тиббий ёрдам.

2.18. **Сурункали касаллик** – зўрайиш ва ремиссия даврлари билан ифодаланадиган, одам организмида органлар ва тизимлар шикастланиши билан узоқ вақт кечадиган касаллик.

2.19. **Сурункали касалликни зўрайиши** – сурункали касалликка хос бўлган, шу жумладан шошилинч ёрдам зарур бўлган симптомларни намоён бўлиши.

2.20. **Бахтсиз ҳодиса** – тўсатдан юз берадиган, қисқа муддатли, тасодифан ва Суфурта қилингандан шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган, одам организмига ташқаридан таъсири қиладиган ва ўзи билан травматик шикастланишни; куйишдан, портлашдан, яшин уришидан, электр токи таъсиридан тан жароҳатини; озиқ-овқат ёки кимёвий (саноат ёки майший) моддалар билан заҳарланишларни ва/ёки заҳарли ва/ёки куйидувчи моддалар, буғлар ёки газлар билан нафас олганда ёки таъсирашгандан юзага келган куйишларни келтириб чиқарадиган ҳодиса; совук уриш, чўкиш, ёвуз ниятли шахсларнинг ёки ҳайвонларнинг ҳужум қилиши, ҳашаротлар ва судралиб юрувчиларнинг чақиши, нафас йўлларига бегона жисмларни тасодифан тушиши, заҳарли ўсимликлар билан тасодифан заҳарланиш ва/ёки ўлим.

2.21. **Тиббий эвакуация** – Суфурта қилингандан шахсни зарурат бўлганида ҳар қандай фойдаланиш мумкин бўлган ва мос келадиган транспорт воситасида тиббиёт ҳодими кузатувида бир жойдан бошқа жойга олиб бориш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуаси. Тиббий эвакуация остида шунингдек суфурta ҳодисаси туфайли мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган Суфурta қилингандан шахсни ҳодиса жойидан энг яқин тиббиёт муассасасигача маҳсус машинада етказиб бориш ҳам тушунилади, бошқа транспорт харажатлари тиббий харажатлар сифатида ҳисобга олинмайди. Тиббий эвакуация фақат бир томонга, қўллаш мумкин бўлмаган тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда ва шифокор рухсати билан амалга оширилади.

2.22. **Репатриация** – Суфурta қилингандан шахс қолдиқларини Ўзбекистон Республикасига қадар ҳар қандай фойдаланиш мумкин бўлган ва мос келадиган транспорт воситасида олиб бориш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуаси. Қариндошларнинг илтимосига қўра репатриация Ўзбекистон Республикаси бўлмаган бошқа мамлакатга қадар амалга оширилиши мумкин, шу шарт биланки, бунда Суфурталовчи суфурta тўловини Ўзбекистон Республикасига қадар репатриация қилиш учун тўлаши зарур бўлган суммадан ошмайдиган миқдорда амалга оширади. Репатриация шартлари Суфурталовчи томонидан Суфурta қоидаларига мувофиқ аниқланади.

2.23. **Рецепт** – шифокорнинг дори воситаларини қабул қилиш ва/ёки тиббий препаратларни қўллашга доир ёзма кўрсатмаси.



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

З-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

2.24. **Жисмоний иш** – скелет мушакларига асосий юк тушган ҳолда одамнинг таянч-харакатланиш аппарати иштирок этадиган ишларнинг турлари.

2.25. **Мурожаат** – Суфурта қилдирувчининг, Суфурта қилинган шахснинг ёки Суфурталовчидан суфурта тўловини олишга ҳақли бўлган бошқа шахснинг Суфурта воқеаси оқибатида содир бўлган соғлиққа зиён етказилиши сабаблари ва ҳолатларини кўрсатган ҳолда ёзма мурожаати.

3-БЎЛИМ. СУФУРТА СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

3.1. Суфурталовчи, Суфурта қилдирувчи, Суфурта қилинган шахс ёки Наф олувчи ушбу Суфурта қоидалари бўйича суфурта муносабатларининг субъектлариdir.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик ёки муомилага лаёқатли жисмоний шахс ушбу Суфурта қоидалари бўйича Суфурта қилдирувчи бўлиши мумкин бўлиб, у Суфурталовчи билан шартномавий муносабатларга киришган ҳолда мазкур Суфурта қоидаларида белгиланган тартибда ва шартларда суфурта мукофотини тўлайди.

3.3. Полис ўзининг фойдасига расмийлаштирилган жисмоний шахс Суфурта қилинган шахсдир. Агар Суфурта қилинган шахс вояга етмаган бўлса, тўланиши лозим бўлган суфурта таъминоти унинг қонуний вакилига (ота-онасининг/vasiyllarining бирига) тўланиши мумкин.

3.4. Суфурта қилинган шахс вафот этган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ суфурта таъминотини олиш ҳукуқига эга бўлган шахс Наф олувчидир.

3.5. Суфурта қилинган шахснинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган, унинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мазкур Суфурта қоидалари бўйича суфурта объектиdir.

4-БЎЛИМ. СУФУРТА ДАВРИ

4.1. Суфурта даври Суфурта қилдирувчининг ва/ёки Суфурта қилинган шахснинг хорижда бўлиши муддатига мутаносиб равишда, аммо бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади.

4.2. Суфурта даври Полисда кўрсатилади, мазкур полис доимий яшаш мамлакатида бўлган ва келажакда хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган шахслар учун ёки ҳозирда саёҳатда ва доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун сотиб олиниши мумкин.

4.2.1. Полис доимий яшаш мамлакатида бўлган ва келажакда хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган шахслар учун ушбу Суфурта қоидаларига мувофиқ сотиб олинган тақдирда, суфурта даври Полисда суфурта даврининг бошланиши санаси сифатида кўрсатилган санадан эътиборан, аммо Суфурта қилинган шахс Полис амал қилиши ҳудуди чегарасидан кесиб ўтиши (саёҳат қилинаётган мамлакатга киришда чегара хизматларининг паспортда кўйган белгиси) пайтидан эрта бўлмаган ҳолда бошланади;

4.2.2. Полис ҳозирда саёҳатда ёки доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун ушбу Суфурта қоидаларига мувофиқ янги муддатга (узайтириш учун) сотиб олинган тақдирда, суфурта даври суфурта мукофоти тўланган кундан кейинги келадиган кунда соат 00:00:00 дан эътиборан, аммо Полисда суфурта даврининг бошланиши сифатида кўрсатилган санадан эрта бўлмаган ҳолда бошланади;

4.2.3. Полис ушбу Суфурта қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган Полисга эга бўлмаган, аммо саёҳат мамлакатига учиб келиш/келиш кунининг дастлабки З (уч) соати ичida расмийлаштирилган (чиптада кўрсатилган етиб келиш вақти асос ҳисобланади) шахслар учун сотиб олинган тақдирда, суфурта даврининг бошланиши Полисда суфурта даври бошланиши санаси сифатида кўрсатилган санадан эътиборан бошланади;

4.2.4. Полис ушбу Суфурта қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган Полисга эга бўлмаган, аммо ҳозирда саёҳатда ёки доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун сотиб олинган тақдирда, суфурта даврининг бошланиши Полисда суфурта даври бошланиш санаси сифатида кўрсатилган санадан қуйидагича кечиктирилади:

а) «COVID-19» билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда уч кунга кечиктирилади ва Полис расмийлаштирилган кундан кейинги келадиган тўрттинчи кунда соат 00:00:00 да бошланади;



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

4-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

б) «COVID-19» билан боғлиқ бўлган ҳолларда ўн кунга кечиктирилади ва Полис расмийлаштирилган кундан кейинги келадиган ўн биринчи кунда соат 00:00:00 дан эътиборан бошланади.

Суфурта ҳодисаси ушбу Суфурта қоидаларининг 4.2.4-бандида кўрсатилганидек суфурта даври кечиктирилган вақтда юз берган тақдирда, Суфурталовчи мурожаатни кўриб чиқмайди ва суфурта тўлови/суфурта таъминоти бўйича мажбуриятлардан тўлиқ озод қилинади.

4.3. Суфурта даври Суфурта қилинган шахс Полиснинг амал қилиш ҳудуди чегарасини кесиб ўтиши (борилган мамлакатдан чиқишда чегара хизматларининг паспортда қўйган белгиси) пайтидан эътиборан, аммо Полисда унинг амал қилиши даврининг тугаши санаси сифатида кўрсатилган кунда соат 23:59:59 кечикмай тугайди.

4.4. Агар Суфурта қилинган шахсни суфурта даври тугайдиган кунда суфурта ҳодисаси туфайли унинг шифохонага ётқизилганлиги муносабати билан хориждан қайтиб келиши мумкин бўлмаса ва ушбу ҳолат тегишли тиббий хулоса билан тасдиқланган бўлса, Суфурталовчи мазкур Суфурта қоидаларида назарда тутилган ўз мажбуриятларини суфурта суммаси доирасида бажаришни давом эттиради.

4.5. Полис Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кундан ортиқ бўлмаган муддатга расмийлаштирилган тақдирда, саёҳат кунлари сонига қўшимча 15 (ўн беш) кун қўшилади, улар Полиснинг амал қилиш даврида кўрсатилади.

4.6. Агар Полисда Суфурта қилинган шахснинг хорижга, Полиснинг амал қилиш даврида унинг саёҳат кунлари сонидан қатъий назар, кўп марта саёҳат қилиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда суфурта даври танланган кўп марталик саёҳатлар дастурига («Multi» режаси ва «Business» режаси) қўйидаги равишда боғлиқ бўлади:

Дастур номи	Полиснинг амал қилиши даври	Суфурта кунларининг сони
а) Multi I	92 кун	30 кун
б) Multi II	183 кун	90 кун
в) Multi III	365 кун	90 кун
г) Multi IV	365 кун	180 кун
д) Business I	365 кун	15 кун
е) Business II	365 кун	30 кун
ж) Business III	365 кун	45 кун
з) Business IV	365 кун	60 кун

4.7. Агар Полис Суфурта қилинган шахсни Полис амал қилиши мобайнида кўп марталик саёҳатларни назарда тутса, Суфурталовчи фақат ушбу Қоидаларнинг 4.6-бандида келтирилган жадвалга мувофиқ Полисда кўрсатилган суфурта кунлари сони доирасида жавобгар бўлади. Суфурта ҳудудидан ҳар бир чиқишда суфурта кунларининг мазкур сони Суфурта қилинган шахс суфурта ҳудудида ўтказган кунлар сонига автоматик тарзда камаяди. Суфурталовчининг суфурта тўловини тўлаш бўйича мажбурияти Полисда кўрсатилган суфурта кунлари сони якунланганидан кейин тугайди.

5-БЎЛИМ. СУФУРТА ДАСТУРИ ВА ПОЛИСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ҲУДУДИ

5.1. Суфурта дастури – тегишли суфурта суммалари билан бирга хизматлар мажмуаси бўлиб, у Суфурта қилинган шахсга ушбу Суфурта қоидалари доирасида тақдим этилиши мумкин.

5.2. Суфурталовчи Суфурта қилдирувчи томонидан танланадиган қўйидаги Суфурта дастурларидан бири бўйича мажбуриятларни зиммасига қабул қиласи. Суфурта қилдирувчи томонидан танланган дастур Полисда кўрсатилади:



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

5-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

Барча сұғурта хизматлари Еврода күрсатилған

Сұғурта дастурининг номи		Grand 1	Grand 2	Prestige	Antivirus 1	Antivirus 2	Antivirus 3
Сұғурта қилинган битта шахс учун сұғурта суммаси:		50,000	65,000	90,000	65,000	100,000	150,000
шу жумладан ўзимдандын сұғурта қилиш		1,000	1,500	2,000	1,500	2,000	2,000
№	Хизматлар рўйхати	Ҳар бир хизмат бўйича сұғурта суммалари					
1	Тиббий хизматлар, шу жумладан:	25,000 гача	30,000 гача	40,000 гача	30,000 гача	50,000 гача	100,000 гача
1.1	стоматологик ёрдам	150 гача	200 гача	500 гача	200 гача	500 гача	1000 гача
1.2	COVID-19 да ёрдам	йўқ	йўқ	йўқ	3,000 гача	10,000 гача	50,000 гача
1.3	бошқа тиббий хизматлар	24,850 гача	29,800 гача	39,500 гача	26,800 гача	39,500 гача	49,000 гача
2	Тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар, шу жумладан:	24,000 гача	33,500 гача	48,000 гача	33,500 гача	48,000 гача	48,000 гача
2.1	тиббий эвакуация	5,000 гача	7,000 гача	11,000 гача	7,000 гача	11,000 гача	11,000 гача
2.2	кузатиб борувчи шахсни транспортда ташиш	5,000 гача	6,000 гача	9,000 гача	6,000 гача	9,000 гача	9,000 гача
2.3	Сұғурта қилинган шахсни ва/ёки унинг вояга етмаган болаларини қайтариш	4,000 гача	5,000 гача	8,000 гача	5,000 гача	8,000 гача	8,000 гача
2.4	қидирудв-күтқарув тадбирлари	2,000 гача	2,000 гача	4,000 гача	2,000 гача	4,000 гача	4,000 гача
2.5	вақтинча бўлиш мамлакатида дафн этиш	2,000 гача	2,500 гача	5,000 гача	2,500 гача	5,000 гача	5,000 гача
2.6	репатриация	6,000 гача	11,000 гача	11,000 гача	11,000 гача	11,000 гача	11,000 гача

5.3. Полиснинг амал қилиш худуди Сұғурта қилинган шахснинг бўлиб турган мамлакати ёки мамлакатларини англатиб, танланган Сұғурта дастурига боғлиқ равишда қуидаги худудий бўлинишлар бўйича аниқланади:

«Grand 1» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди, бундан Шенген битими мамлакатлари, шунингдек Лихтенштейн, Буюк Британия, Истроил, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Канада ва АҚШ мустасно;

«Grand 2» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди, бундан АҚШ мустасно;

«Prestige» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди;

«Antivirus 1» - жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди, бундан АҚШ мустасно;

«Antivirus 2» - жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди;

«Antivirus 3» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди.

5.4. Полиснинг амал қилиши Сұғурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакати/ Сұғурта қилинган шахс фуқароси бўлган мамлакат/Сұғурта қилинган шахсга яшаш гувоҳномаси берган мамлакат худудида татбиқ этилмайди.

5.5. Полиснинг амал қилиши етиб бориш қийинлиги даражаси бўйича Шимолий ёки Жанубий кутблар билан таққосланиши мумкин бўлган ҳамда маҳсус транспорт ёки ускуна, ёрдамчи воситалар ва экспедиция билангина етиб бориш мумкин бўлган мамлакатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

6.1. Сұғурта суммаси Сұғурта қилдирувчи томонидан танланган Сұғурта дастурига боғлиқ равишда тарафлар келишувига биноан белгиланади ва Полисда кўрсатилади.

6.2. Сұғурта мукофоти сұғурта даври ва танланган Сұғурта дастуридан келиб чиққан ҳолда Сұғурталовчининг амалдаги сұғурта тарифларига мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади. Сұғурта мукофотининг миқдори Полисда кўрсатилади.



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

6-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

6.3. Суфурталовчи Суфурта мукофоти миқдорини аниқлашда базавий суфурта тарифлариға ошириладиган ёки камайтириладиган коэффициентларни белгилайди, улар Суфурта қилинган шахсларнинг ёши ва сонига, сафар мақсадига, фаолият соҳасига, шунингдек суфурта ҳодисаси юзага келиши таваккалчилиги даражасига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

6.4. Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кундан ортиқ бўлмаган муддатга расмийлаштириладиган Полислар бўйича суфурта мукофоти миқдорини аниқлашда Полиснинг амал қилиш даврига қўшимча равишда қўшилган 15 (ўн беш) кун ҳисобга олинмайди.

6.5. Суфурта мукофоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади ва жами суфурта даври учун бир йўла тўланади.

6.6. Суфурта мукофоти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ АҚШ долларида ҳам тўланиши мумкин, бироқ суфурта мукофоти Полисда суфурта мукофоти тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

7-БЎЛИМ. ПОЛИСНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1. Полис Суфурта қилдирувчининг оғзаки мурожаати ёки ёзма тарздаги Ариза-анкетаси асосида расмийлаштирилади.

7.2. Полис суфурта мукофоти тўлангандан сўнг Суфурта қилдирувчига берилади.

7.3. Суфурта қилдирувчи Полисни олгандан сўнг Полисда кўрсатилган барча Суфурта қилинган шахсларни мазкур Суфурта қоидалари билан таништириши шарт. Ушбу талабни бузиш (бажармаслик) Суфурта қилинган шахсларни мазкур Суфурта қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди ва Суфурталовчига мазкур Суфурта қоидалари шартлари билан танишмаганлик ва/ёки рози эмаслик борасида талаблар қўйиш учун асос бўла олмайди.

7.4. Суфурта қилдирувчи/Суфурта қилинган шахс томонидан Полис йўқотилган тақдирда, Суфурта қилдирувчининг/Суфурта қилинган шахснинг ёзма аризасига биноан Суфурталовчи тўлов қабул қилинмаган ҳолда янги Полис беради. Янги Полис берилгандан сўнг йўқотилган Полис ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва Суфурта қилдирувчи/Суфурта қилинган шахс олдида Суфурталовчининг бирор-бир мажбуриятини келтириб чиқармайди.

8-БЎЛИМ. СУФУРТА ТЎЛОВИ ВА СУФУРТА ТАЪМИНОТИ

8.1. Ушбу Суфурта қоидаларида назарда тутилган суфурta ҳодисаси юз берган тақдирда, Суфурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича суфурta суммаси доирасида қўйидаги хизматлар учун харажатлар тўланади, хусусан:

8.1.1. муассасада амбулатор ва стационар (фақат шошилинч операциялар) даволаниш учун, жумладан шифокор хизматлари (маслаҳатлари), шифокор томонидан кўрсатилган ташхислаш ва лаборатория тадқиқотлари, шифокор томонидан тайинланган дори-дармонлар (рецепт бўйича), боғлаш материаллари ва маҳкамлаш воситалари (гипс, бандаж ва шу кабилар) учун кетадиган харажатлар, Суфурta қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатигача тиббий эвакуация қилиш мумкин бўлган ва/ёки муассасадан жавоб бериш пайтига қадар.

Бунда Суфурталовчи томонидан суфурta ҳодисаси тан олинишига қадар ва ушбу Қоидаларнинг 8.1.1-бандида назарда тутилган тиббий ёрдамни ташкиллаштириш учун Суфурta қилинган шахс ташхисини аниқлашга 500 (беш юз) Евро доирасида чеклов (лимит) белгиланади;

8.1.2. Суфурta қилинган шахсда ҳомиладорлик кечишида асоратлар юзага келган/ҳомиладорлик мажбурий равишда тўхтатилган тақдирда, шошилинч ёрдам учун ҳомиладорлик 32 (үттиз икки) ҳафтадан ошмаслиги, шунингдек мазкур воқеа баҳтсиз ҳодиса натижасида содир бўлиши шарти билан 1000 (бир минг) Еврогача бўлган миқдорда тўланади;

8.1.3. шошилинч стоматологик ёрдам учун, танланган Суфурta дастурида кўрсатилган суфурta суммаси доирасида;

8.1.4. Суфурta қилинган шахсни воқеа жойидан энг яқин муассасагача ёки энг яқин жойдаги шифокоргача, ёки бир муассасадан иккинчисига (вақтинча бўлган мамлакат доирасида), ёхуд доимий яшаш мамлакатигача тиббий эвакуация қилиш учун. Бунда шошилинч ёрдам зарурлиги

шарти билан, тиббий эвакуациянинг мақсадга мувофиқлиги түғрисидаги қарор фақат Суфурталовчининг ваколатли шифокорлари томонидан қабул қилинади. Агар учинчи шахс Суфурталовчи билан келишмаган ҳолда тиббий эвакуацияни ташкиллаштыrsa, Суфурталовчи харажатларни Ассистанс хизмати ёрдамида тиббий эвакуацияни таъминлай олиши мумкин бўлган энг кам сумма доирасида тўлаб беради;

8.1.5. Суфурта қилинган шахсни тиббий эвакуация қилишда кузатиб борувчи шахсни ташиш учун, башарти бундай кузатиб бориш даволовчи шифокор кўрсатмасига биноан зарур бўлса;

8.1.6. Суфурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатига қайтариш учун, башарти у ушбу Суфурта қоидаларининг 2.4-бандида кўрсатилган сабаблар туфайли касалхонага ётқизилганлиги боис сотиб олинган чипталардан фойдаланиш имкониятини йўқотган бўлса. Суфурталовчи Суфурта қилинган шахсга илгари сотиб олинган чипталар қийматини қопламайди ва битта Суфурта қилинган шахсга эконом тоифадаги йўлкира ҳақини қоплаган ҳолда тенг қимматли транспорт тури учун тўлаб беради.

Бунда Суфурта қилинган шахсда «COVID-19» ташхисланган тақдирда, чипталар қийматини қоплаш ёки тўлаб бериш суммаси битта Суфурта қилинган шахсга 1000 (бир минг) Евродан ортиқ бўлмаган сумма билан чекланган. Агар илгари сотиб олинган чипталарни қайтариш ёки алмаштириш мумкин бўлса, Суфурталовчи чипталарни алмаштириш учун қўшимча тўланиши зарур бўлган суммани тўлаб беради.

Суфурта қилинган шахс унинг учун Суфурталовчи томонидан харид қилинган авиаҷиптани ҳар қандай сабаб билан рад этган тақдирда, Суфурталовчи харид қилинган чиптани бекор қилишга ва Суфурта қилинган шахсга кейинчалик суфурта хизматлари тақдим этилишини рад этишга ҳақли. Шунингдек, агар Суфурта қилинган шахс унинг режаларига тўғри келмаслиги, рейсдан, туташтиришлардан, қатнаш маршрути ва бошқалардан қониқмаслиги муносабати билан авиаҷипта санасини бошқа санага ўзгартиришни талаб қилса, Суфурталовчи Суфурта қилинган шахсга суфурта хизматлари кўрсатишни рад этишга ва харид қилинган чиптани бекор қилишга ҳақли;

8.1.7. эконом тоифадаги йўлкира ҳақи учун:

а) Суфурта қилинган шахснинг вояга етмаган фарзандлари Суфурта қилинган шахс билан содир бўлган суфурта ҳодисаси туфайли илгари сотиб олган чипталардан фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқарган ва қаровсиз қолиб кетган ҳолларда уларнинг доимий яшаш мамлакатига етиб келиши учун;

б) Суфурта қилинган шахс билан суфурta ҳодисаси юз бериши муносабати билан Суфурта қилинган шахснинг вояга етмаган фарзандларини қайtариш учун уларни кузатиб борувчи битта шахс учун, шу шарт биланки, агар вояга етмаган фарзандлар ҳам ушбу Суфурта қоидалари доирасида суфурta қилинган бўлса ва кузатиб борувчи шахсда Суфурta қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатига чипта бўлмаса.

в) суфурta ҳодисаси содир бўлган Суфурta қилинган вояга етмаган фарзанд ва битта кузатиб борувчи шахс учун, шу шарт биланки, агар улар илгари харид қилинган чипталардан фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқарган бўлса.

Бунда Суфурталовчи эконом тоифадаги йўлкира ҳақини қоплаган ҳолда фақат уни тенг қимматли транспорт тури учун тўлаб беради. Агар илгари сотиб олинган чипталарни қайtариш ёки алмаштириш мумкин бўлса, Суфурталовчи чипталарни алмаштириш учун қўшимча тўланиши зарур бўлган суммани тўлаб беради;

8.1.8. Суфурта қилинган шахсни қидириш ва қутқариш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун;

8.1.9. Суфурта қилинган шахсни Полиснинг амал қилиш худудида дағн қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиш учун, бундан диний маросимлар мустасно;

8.1.10. Суфурта қилинган шахснинг репатриацияси учун, бундан ушбу Суфурта қоидаларининг 11.1.18, 11.2, 11.3-бандларида кўрсатилган воқеалар натижасида юз берган ўлим ҳолатлари, шунингдек Суфурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатида диний маросимларни ўтказиш ва дағн этиш мустасно. Агар учинчи шахс Суфурталовчи билан келишмаган ҳолда репатриацияни

ташкиллаштирса, Суфурталовчи харажатларни Асистанс Хизмати ёрдамида репатриацияни таъминлай олиши мумкин бўлган энг кам сумма доирасида тўлаб беради;

8.1.11. эпидемик ёки вирус касалликларида (эпидемиялар, пандемияларда) таҳлилларни (тестлар ва бошқаларни) топшириш, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек «Antivirus 1», «Antivirus 2» ва «Antivirus 3» суфурта дастурлари доирасида карантинга жойлаштирилганда.

Бунда қўйидагилар қопланishi ёки тўланиши лозим:

а) эпидемик ёки вирус касаллиги мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлаш мақсадида шифокор томонидан тайинланган тестлар (таҳлиллар) ҳақини тўлашга доир харажатлар;

б) Суфурта қилинган шахсни 14 (ён тўрт) кундан ортиқ бўлмаган муддатга меҳмонхонада ёки карантин учун маҳсус ажратилган хонага жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар (маиший харажатлар ва овқатланиш учун харажатлардан ташқари).

Бунда ҳақиқатда амалга оширилган, аммо қўйидаги лимитлардан ортиқ бўлмаган харажатлар қопланади ёки тўланади:

«Antivirus 1» суфурта дастури бўйича битта Суфурта қилинган шахсга суткада 45 (қирқ беш) Еврода қадар;

«Antivirus 2» суфурта дастури бўйича битта Суфурта қилинган шахсга суткада 65 (олтмиш беш) Еврода қадар;

«Antivirus 3» суфурта дастури бўйича битта Суфурта қилинган шахсга суткада 90 (тўқсон) Еврода қадар.

8.2. Жарроҳлик операцияси шошилинч бўлганлиги ва тиббий эвакуация ташкил этилгандан сўнг Суфурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатида ўтказилиши мумкин бўлмаганлиги шарти билан Суфурталовчи жарроҳлик операциялари учун тиббий харажатларни тўлайди, яъни тўлов операциянинг дарҳол ўтказилмаслиги Суфурта қилинган шахснинг ҳаётига хавф solaётган бўлса ёки унинг соғлиғининг жиддий бузилиши эҳтимоли мавжуд бўлса, амалга оширилади.

8.3. Агар дори-дармонлар фақат шифокор томонидан ёзиб берилган рецепт бўйича харид қилинган бўлса, Суфурталовчи улар ҳақини тўлайди.

8.4. Суфурталовчи тиббиёт марказлари, клиникалар ва хусусий амалиёт шифокорлари томонидан тақдим этилган тиббий хизматлар учун харажатларни Суфурталовчи фақат Асистанс хизмати ёрдамида олинган худди шундай хизматлар ҳақини тўлаган ҳолда харажатларни қоплаши мумкин бўлган миқдорда тўлаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

8.5. Суфурталовчининг суфурта тўловини/суфурта таъминотини амалга ошириш бўйича мажбурияти суфурта даври ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган суфурта ҳодисаларига нисбатан амал қиласи.

8.6. Суфурталовчи зиммасида Суфурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича, шунингдек Суфурта қилинган шахснинг ўлими содир бўлган баҳтсиз ҳодисадан суфурта қилиш бўйича суфурта тўловини/суфурта таъминотини суфурта суммаси доирасида амалга ошириш бўйича мажбуриятлар бўлади.

9-БЎЛИМ. СУФУРТА ҚИЛИНГАН ШАХС ВАФОТ ЭТГАНИДА СУФУРТА ТАЪМИНОТИ

9.1. Баҳтсиз ҳодисадан суфурта қилиш борасида Суфурталовчи Наф олувчига Суфурта дастурида кўрсатилган суфурта суммасини қўйидаги ҳолларда тўлиқ миқдорда тўлаб беради:

9.1.1. Суфурта қилинган шахс саёҳат пайтида юз берган ҳамда суфурта даврида ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган баҳтсиз ҳодисанинг бевосита натижасида вафот этган тақдирда;

9.1.2. Суфурта қилинган шахс бир йил ичида юз берган ҳамда суфурта даврида ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган баҳтсиз ҳодисанинг бевосита натижасида вафот этган тақдирда.

10-БЎЛИМ. СПОРТНИ СУФУРТА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

10.1. Суфурта қилинган шахснинг фаол ҳордиқ чиқариш давомида юзага келган харажатлари ушбу Суфурта қоидалари билан автоматик равишда қопланади. Бунда мазкур Суфурта қоидалари

доирасида фаол ҳордиқ чиқариш деганда, саёҳат даврида бўш вақтни спорт кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш ва фаолиятнинг фаол турлари билан шуғулланиш (ҳар қандай профессионал мусобақаларга тайёрланиш ва иштирок этиш бундан мустасно) билан ўтказиш усули тушунилади.

10.2. Суфурта мукофотини кўпайтирувчи коэффициентни қўллаган ҳолда тўлаш ва Полиснинг «Махсус шартлар» катагида «Спорт» деган ёзув қайди мавжуд бўлиши шарти билан ушбу Суфурта қоидаларининг 2.12-бандида кўрсатилган хизматларга қилган, Суфурта қилинган шахснинг профессионал спорт билан шуғулланиш, жумладан мусобақалар ҳамда машғулотларда иштирок этиш, махсус мўлжалланган ва жиҳозланган трассаларда тоғ чанғиларида ҳамда сноубордда учиш давомида юзага келган харажатлари Суфурталовчи томонидан қопланади.

Ушбу Суфурта қоидалари доирасида профессионал спорт деганда, спорт мусобақаларига тайёрланиш ва уларда иштирок этиш учун контракт асосида иш ҳақи ёки бошқа пул мукофотларини оладиган спортчи учун асосий фаолият тури бўлган спорт фаолияти тушунилади.

10.3. Суфурта қилинган шахснинг махсус мўлжалланмаган ва жиҳозланмаган трассаларда тоғ чанғиларида ва сноубордда учиш, 30 (үттиз) метрдан ортиқ чуқурлиқда сув остида сузиш ва шўнғиши, шунингдек спортнинг шу турлари билан Шимолий Муз океанида ва унга туташ денгизларда шуғулланиш, регби, сёрфинг, альпинизм, спелеология, хелиборд, мотоспорт, даунхилл, кайтборд билан шуғулланиш, учиш аппаратлари ва мосламаларида учиш (самолётда йўловчи сифатида учиш бундан мустасно), парашютда сакраш, бобслей, планеризм, дельтапланеризм, парапланеризм, параглайдинг, автоспорт, бокс, кикбоксинг, тайландча бокс, қоидаларсиз жанглар, ҳаво шарида учиш (йўловчи сифатида эмас), видсёрфинг билан шуғулланиш, акробатик элементлардан ташкил топган фигуralарни қўллаган ёки қўлламаган ҳолда баландликдан сакраш, тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган спорт турлари (бундан бўён матнда спортнинг махсус турлари деб юритилади) билан шуғулланиш натижасида юзага келган харажатлари мазкур Суфурта қоидалари бўйича қопланмайди. Агар 10.1 ва 10.2-бандларида қайд этилган жисмоний фаоллиқдан гарчи биттасига баландликдан сакраш, акробатик элементлар киритилган бўлса, у ҳолда мазкур фаоллик спортнинг махсус турларига қўшилади ва ушбу Суфурта қоидалари билан қопланмайди.

11-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

11.1. Суфурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган, лекин қуйида келтирилган омилларнинг исталганининг бевосита ёки билвосита оқибати бўлган воқеа юзага келган тақдирда, суфурта тўлови/суфурта таъминоти амалга оширилмайди:

11.1.1. тўғридан-тўғри тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлигига қарамай саёҳатга чиқилганда, Суфурта қилинган шахс соғлиғининг ёмонлашиши ёки унинг вафот этиши муносабати билан қилинган харажатлар;

11.1.2. agar баҳтсиз ҳодиса ёки тўсатдан касалланиш юз берганида Суфурта қилинган шахс организмида наркотик ёки психотроп моддаларнинг мавжудлиги қайд этилса ёхуд шифокор томонидан ёзиб берилмаган дори-дармонлардан фойдаланилганлиги қайд этилса, ушбу ҳолат тиббий хulosаларда/ билдиргиларда акс эттирилиши, гувоҳлар кўрсатмаларида ва содир бўлган воқеага тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатларда қайд қилиниши мумкин;

11.1.3. руҳий касалликлар ва ҳолатларда, эпилепсия (бирламчи ва симптоматик), неврозлар (ваҳима хуружлари, тушкунлик, жазавага тушишлар ва бошқалар), шунингдек марказий асад тизими касалликларида;

11.1.5. жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар ва уларнинг оқибатлари, таносил касалликлари, ОИТС ва ОИВ келтириб чиқарган барча касалликлар;

11.1.6. Суфурта қилинган шахсга маълум бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, онкологик касалликлар, ўсмалар (ёмон сифатли ва хавфсиз);

11.1.7. тиббий нуқтаи назардан зарур деб ҳисобланмаган ёки шифокор томонидан тайинланмаган хизматларни тақдим этиш, шунингдек шошилинч бўлмаган жарроҳлик операциялари;

11.1.8. реабилитация тадбирлари ва органларни күчириб ўтказиш (трансплантация) учун харажатлар;

11.1.9. Суфурта қилинган шахс суфурта ҳодисаси туфайли мурожаат этиши муносабати билан у даволовчи шифокордан олган кўрсатмалар бажарилишини ихтиёрий равишда рад этиш натижасида юзага келган харажатлар;

11.1.10. ҳар қандай профилактика тадбири, эмлаш, дезинфекция, санатория-курортда даволаниш, тикловчи ва соғломлаштирувчи даволаш, гелиотерапия, сув билан даволаш, физиотерапия, мануал терапия, ҳар қандай турдаги уқалашлар (массаж) ва шу кабилар;

11.1.11. ташхис кўрсатилмаган ҳолда ноанъанавий тиббиёт усуслари билан даволаш ёки аниқланган ташхисга мос келмайдиган даволаш;

11.1.12. косметик/пластик жарроҳлик, ташқи қиёфадаги камчиликларни ёки танадаги нуқсонларини бартараф этиш билан, шунингдек ҳар қандай турдаги протезлаш, шу жумладан кўз ва тишларни протезлаш билан боғлиқ даволашлар;

11.1.13. Суфурта қилинган шахсни даволаш учун наслий ва/ёки туғма касалликларнинг, аномалиялар ва органлар ривожланишидаги нуқсонларнинг зўрайиши ёки асоратлари оқибатида юзага келган харажатлар;

11.1.14. Суфурта қилинган шахсга маълум бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъи назар сурункали касалликлар ва/ёки уларнинг зўрайиши/асоратлари, ва/ёки уларнинг намоён бўлишининг бошқа шакллари ва турлари. Суфурта қилинган шахсда сурункали касалликлар зўрайган/асорат қолдирган ҳолларда Суфурталовчи 500 (беш юз) Евро доирасида хизматлар кўрсатилишини ташкиллаштиради ва/ёки харажатларини тўлаб беради;

11.1.15. мураккаб даволашни ва/ёки стационарда узоқ вақт бўлишни, шу жумладан кардиожарроҳлик билан даволашни (жумладан ангиография, ангиопластика, шунтлашни ва шу кабиларни), шунингдек илгари ўтказилган қон айланиш тизими касалликлари оқибатида юзага келган эрта ва кечки асоратларни даволашни ва жарроҳлик аралашувларини талаб этадиган қон айланиш тизими касалликлари (артериал гипертония ва 500 (беш юз) Евро лимит доирасида биринчи ёрдам бериш бундан мустасно);

11.1.16. узоқ вақт давомида содир бўладиган ва/ёки мураккаб даволашни ва/ёки тиббиёт муассасасида узоқ вақт бўлишни талаб этадиган бошқа касалликларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган касалликлар (инфаркт, инсульт, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, сил, жигар циррози, вирусли гепатитлар, аневризманинг ҳар қандай тури, эндокрин касалликлар ва шу кабилар). Юқорида кўрсатилган касалликлар илк бор аниқланганда, Суфурталовчи 900 (тўқиз юз) Евро доирасида хизматлар кўрсатилишини ташкиллаштиради ва/ёки Суфурта қилинган шахснинг харажатларини тўлаб беради;

11.1.17. Суфурта қилинган шахс касалликлар оқибатида ўз саёҳати бошланишига қадар даволанган ёки агар назарда тутилган саёҳат Суфурта қилинган шахсга саломатлиги ҳолати бўйича мумкин бўлмаган тақдирда;

11.1.18. даволаш учун саёҳат амалга оширилган касб касалликлари, шунингдек ҳар қандай бошқа касалликлар;

11.1.19. кўриш қобилиятини яхшилаш учун мосламалар (кўзойнаклар, гардишлар, линзалар, лупалар ва шу кабилар), шунингдек бошқа ёрдамчи воситаларнинг (протезлар, қўлтиқтаёклар, аравачалар ва шу кабиларнинг) тақдим этилиши;

11.1.20. витаминалар, озиқ-овқат қўшимчалари, озиқ-овқатларни бойитувчилар, ўсимлик маҳсулотлари, гомеопатия воситаларини харид қилиш;

11.1.21. Суфурта қилинган шахснинг эпидемиялар ва ўлат, вабо, қора чечак, сариқ безгак, геморрагик безгак, куйдирги, тепкили ичтерлама ва бошқалар каби ўта хавфли ва тропик касалликлар муносабати билан қиладиган харажатлари;

11.1.22. Суфурта қилинган шахснинг эпидемик касалликларни (пандемияларни) даволаш, табиий оғатлар ва уларнинг оқибатлари, карантин, метеоритлар ва бошқа космик жисмларнинг қулаб тушиши билан боғлиқ харажатлари.

Қоидаларнинг мазкур банди ушбу Суфурта қоидаларининг 5.2-бандида келтирилган «Antivirus 1», «Antivirus 2» ва «Antivirus 3» суфурта дастурларига нисбатан татбиқ этилмайди.

11.1.23. Суфурта қилинган шахс доимий яшаш мамлакатига қайтиб келгандан сўнг, шунингдек суфурта даври тугагандан сўнг амалга оширилган даволаш учун харажатлар.

11.2. Суфурта қилинган шахс билан қуйидаги ҳолларда суфурта воқеаси юз берган бўлса, Суфурталовчи харажатларни тўлаб бермайди ва мазкур ҳолат суфурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

11.2.1. ўз жонига қасд қилишга уриниш ёки ўз жонига қасд қилишда;

11.2.2. бирор-бир ҳарбий тузилмада хизмат вазифаларини ўташ чоғида;

11.2.3. жисмоний ишни бажариш чоғида, агар Полиснинг «Махсус шартлар» катагида «Иш» деб кўрсатилмаган бўлса;

11.2.4. икки ғилдиракли ёки бошқа турдаги транспорт воситаларини тегишли рухсати (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳуқуқи ва бошқалари) бўлмасдан шахсан бошқариши натижасида.

11.3. Суфурталовчи бевосита ёки билвосита қуйидаги сабаблар туфайли юзага келган харажатларни тўлаб бермайди:

11.3.1. террористик ҳаракатлар туфайли (якка ўзи ёки бирор бир ташкилотга ёки ҳукуматга боғлиқ равища ёхуд унинг номидан ҳаракат қилувчи ҳар қандай шахс ёки шахслар гурухи томонидан сиёсий, диний, мафкуравий ёки этник ғоялардан келиб чиқиб ва ҳукуматга таъсир кўрсатиш ёки жамиятга ёхуд унинг бирор қисмига таҳдид солиш фикрида куч ишлатиш ва зўравонлик қилиш билан ифодаланадиган), шу жумладан террористик ҳаракатнинг олдини олиш бўйича тадбирлар туфайли юзага келган зарар ҳам қоплаб берилмайди;

11.3.2. уруш, чет эллик душманнинг бостириб кириши, ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар), фуқаролар урушлари, қўзғолонлар, инқилоблар, исёнлар ва фуқаролар ғалаёнлари туфайли;

11.3.3. Суфурта қилинган шахснинг гаровда ва жиноятларда, шунингдек муштлашишларда иштироки оқибатида рўй берган баҳтсиз ҳодисалар туфайли, бундан ўзининг фуқаролик бурчини бажариш ёки ўзининг (ёхуд учинчи шахсларнинг) ҳаёти, соғлифи, ор-номусини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар мустасно;

11.3.4. Суфурта қилинган шахс алкоголь, наркотик, токсик ёки бошқа мастлик ҳолатида ва/ёки транспорт воситасини бошқариш учун тегишли рухсатномасиз/ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситасини бошқариши оқибатида содир бўлган, шунингдек Суфурта қилинган шахс томонидан транспорт воситасини бошқаришни юқорида айтиб ўтилган ҳолатда бўлган ва/ёки юқорида айтиб ўтилган рухсатномасиз/ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бўлган учинчи шахсларга бериши оқибатида содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар туфайли;

11.3.5. Суфурта қилинган шахс томонидан суфурта ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлган ғайриқонуний қилмишлар содир этилиши туфайли;

11.3.6. Суфурта қилинган шахснинг соғлифи ҳолатига ёки унга кўрсатилган тиббий ва унга боғлиқ бўлган хизматларга тааллуқли бўлган ҳамда била туриб сохта маълумотлар акс эттириб кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши туфайли;

11.3.7. суфурта ҳодисасининг юзага келганлигини ва суфурта ҳодисаси оқибатида келиб чиқсан зарарлар ҳажмини тасдиқловчи зарур ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги туфайли;

11.3.8. Суфурталовчи томонидан ушбу Суфурта қоидаларининг 12.7-12.8-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар сўралганда, уларни тақдим этмаслик туфайли;

11.3.9. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11.4. Мазкур Суфурта қоидаларининг шартларига мувофиқ Суфурталовчи билвосита зарарлар, олинмай қолинган фойда, пенялар, жарималар, неустойкалар ва бошқа молиявий жарималар учун жавобгарликдан озод қилинади ва уларни қопламайди.

12-БЎЛИМ. СУФУРТА ДАЊВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

12.1. Суфурта қилинган шахс ёки унинг вакили суфурта воқеаси юз берганида Полисда кўрсатилган телефон рақамлари ёки бошқа алоқа воситалари орқали Ассистанс хизматига мурожаат қиласи ҳамда имкон қадар операторга қуйидагиларни маълум қилган ҳолда содир бўлган воқеа тўғрисида хабардор қиласи:

- ёрдамга муҳтоҷ бўлган Суфурта қилинган шахснинг фамилияси ва исми;
- Полис рақами ва суфурта даври;



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

12-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

- Суфурталовчининг номи;
- содир бўлган воқеа ҳолатларининг тавсифи ва талаб этилаётган ёрдамнинг характеристи;
- жойлашган ери ва қайтиб алоқага чиқиш учун телефон рақами.

12.2. Маълумот олгандан сўнг Ассистанс хизмати Суфурта қилинган шахсга мазкур Суфурта қоидаларида назарда тутилган зарур хизматлар кўрсатилишини ташкил қиласди, шунингдек Суфурта қилинган шахснинг харажатларини Полис шартларига мувофиқ тўлаб беради.

12.3. Шифокор билан маслаҳатлашиш ёки шифохонага жўнашга қадар Ассистанс хизматига қўнғироқ қилишнинг иложи бўлмаса, Суфурта қилинган шахс биринчи имкониятдаёқ Ассистанс хизматига қўнғироқ қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Суфурта қилинган шахс содир бўлган ҳолат ҳақида ҳисобварақлар/харажатлар тўланишига қадар Ассистанс хизматига ёки Суфурталовчига хабар бериши ҳамда тиббий ходимларга Полисни тақдим этиши лозим.

Ушбу бандда назарда тутилган талабларга риоя қилмаслик Суфурталовчига суфурта тўловини/таъминотини олиш учун берилган аризани кейинчалик ушбу Қоидаларнинг қуида келтирилган шартларига мувофиқ кўриб чиқиш ҳуқуқини беради.

12.4. Ассистанс хизмати билан алоқага чиқишнинг иложи бўлмаса, Суфурта қилинган шахс суфурта воқеаси билан боғлиқ бўлган харажатларни мустақил тўлаши мумкин. Суфурта қилинган шахс ушбу ҳолда содир бўлган ҳолат тўғрисида Суфурталовчига ёзма тарзда мурожаат этади.

12.5. Ариза Суфурталовчига суфурта воқеаси юзага келган кундан эътиборан 30 (үттиз) календарь куни ичида, аммо Суфурта қилинган шахс саёҳатдан қайтиб келган кундан эътиборан 30 (үттиз) календарь кунидан кеч бўлмаган муддатда тақдим этилиши лозим.

12.6. Суфурта воқеасига боғлиқ равишда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

12.6.1. Суфурта қилинган шахс саёҳатда юрганида тўсатдан касалланганида ва/ёки у билан баҳтсиз ҳодиса содир бўлганида:

а) Полис ёки унинг нусхаси;

б) Суфурта қилинган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (асли ҳам тақдим этилиши шарт);

в) муассасадан олинган ҳисоб-маълумотноманинг асли, зарур маълумотлар (беморнинг фамилияси, ташхис, хизматлар учун мурожаат этилган сана, даволаниш давомийлиги ва шу кабилар) кўрсатилган ҳолда;

г) ушбу касаллик билан боғлиқ равишда шифокор томонидан ёзиб берилган рецептнинг асли;

д) муассаса томонидан берилган ҳисобварағининг асли, кўрсатилган хизматлар санаси, номи ва қиймати алоҳида-алоҳида кўрсатилган ҳолда;

е) хизматлар ҳақи тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли (тўланганлиги тўғрисида штамп, пуллар олинганлиги тўғрисида тилхат ёки пуллар ўтказилганлиги тўғрисида банк тасдиқномаси ва ҳоказо);

ж) муассаса томонидан берилган, Суфурта қилинган шахс организмида алкоголь, наркотик, токсик ёки бошқа маст қиладиган моддаларнинг йўқлигини тасдиқлайдиган хulosса ёки бошқа ҳужжат – Суфурта қилинган шахс исталган турдаги транспорт воситасини бошқариши оқибатида у билан баҳтсиз ҳодиса содир бўлганда;

12.6.2. Суфурта қилинган шахс саёҳат чоғида содир бўлган баҳтсиз ҳодиса туфайли вафот этган тақдирда:

а) Полис ёки унинг нусхаси;

б) суфурта таъминотини олишга ҳақли бўлган Наф олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси (асли ҳам тақдим этилиши шарт);

в) баҳтсиз ҳодиса ҳолатларининг батафсил тавсифи ва имкон қадар гувоҳларнинг исмлари ва улар тўғрисидаги маълумотлар;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг баҳтсиз ҳодисага нисбатан тузилган ҳужжатининг (баённоманинг ёки ҳодиса ҳолатлари ва сабабларини тавсифловчи бошқа ҳар қандай ҳужжатнинг) асли (агар иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўрилган бўлса);

д) Суфурта қилинган шахснинг ўлим тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси ёки суднинг Суфурта қилинган шахс вафот этган ёки дом-дараксиз йўқолган деб топиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси (Суфурта қилинган шахс йўқолган тақдирда).

12.7. 12.6-банда кўрсатилган ҳужжатлар рус ва инглиз тилларидан ташқари бошқа чет тилларда тузилган бўлса, улар Суфурталовчининг талабига биноан Аризачининг (Суфурта қилдирувчининг/Суфурта қилинган шахснинг/Наф олувчининг) маблағлари ҳисобидан таржима қилиниб тасдиқланиши лозим.

12.8. Зарур ҳолларда ва ҳолатларни ойдинлаштириш, шунингдек зарар миқдорини аниқлаш ҳамда суфурта таъминотини амалга ошириш масаласини тартибга солиш мақсадида, Суфурталовчи ушбу Суфурта қоидаларининг 12.6-бандида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

12.9. Зарур ҳолларда Суфурталовчи тақдим этилган ҳужжатларни текширишга, суфурта воқеаси ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ташкилотлардан маълумотлар сўраб олишга, шунингдек Суфурта қилинган шахсни тиббий текширувдан ўтказишга ҳақли.

12.10. Суфурта воқеасининг характеристи ва ҳолатларидан келиб чиқкан ҳолда, Суфурталовчи ушбу Суфурта қоидаларининг 12.7-банди талабларига риоя этган ҳолда 12.6-банда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини/ахборотни талаб қилмаган ҳолда, содир бўлган воқеани суфурта ҳодисаси деб тан олиши ёки тан олмаслиги (ёки суфурта таъминотини амалга оширишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

12.11. Ҳар қандай ҳолатда ҳам суфурта ҳодисасининг юз берганлиги фактини, Суфурталовчининг суфурта таъминотини амалга ошириш бўйича жавобгарлигини ва заарлар миқдорининг асосланганлигини исботлаш Суфурта қилдирувчи/Суфурта қилинган шахс/Наф олувчи зиммасида бўлади.

12.12. Агар Суфурта қилинган шахс ушбу Суфурта қоидалари 12.5-бандининг талабларини бузган ҳолда суфурта воқеаси тўғрисида ариза берган бўлса, Суфурталовчига эртароқ мурожаат этиб хабар беришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бериш Суфурта қилинган шахснинг зиммасида бўлади.

12.13. Агар суфурта ҳодисасининг юз беришига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноят иши қўзғатилган ёки Суфурта қилинган шахсга нисбатан суд жараёни бошланган бўлса, суфурта таъминотини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки суд жараёни тугагунга қадар кечикирилиши мумкин.

12.14. Суфурта таъминотини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор Суфурта қилдирувчига/Суфурта қилинган шахсга/Наф олувчига ёзма шаклда, Суфурталовчига суфурта таъминотини тўлаб бериш учун мурожаат этган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) календарь куни ичida, ушбу Суфурта қоидаларида белгиланган тартибда хабар қилинади, ва у рад этишнинг асослантирилган сабабларини ичига олиши лозим.

13-БЎЛIM. СУФУРТА ТАЪМИНОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

13.1. Суфурта таъминоти Суфурталовчи ва суфурта таъминотини олишга ҳақли бўлган шахс томонидан имзоланган Суфурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида Суфурталовчи томонидан суфурта воқеаси суфурта ҳодисаси деб тан олинган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) календарь куни ичida амалга оширилади.

13.2. Суфурта таъминоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда, харажатлар амалга оширилган чет эл валютасига нисбатан суфурта мукофоти тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, Аризачининг (Суфурта қилдирувчининг/Суфурта қилинган шахснинг/Наф олувчининг) банкдаги ҳисобварағига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13.3. Агар харажатлар амалга оширилган чет эл валютаси курси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланмаган бўлса, у ҳолда тарафлар томонидан ушбу чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмга нисбатан курснинг белгиланиши манбаси аниқланади ва ушбу ҳол Суфурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

13.4. Ушбу Суфурта қоидаларининг 9-бўлими бўйича суфурта таъминоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда, Еврога нисбатан суфурта мукофоти тўланадиган



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

14-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, Наф олувчининг банқдаги ҳисобварағига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13.5. Суфурта қилинган шахсга кўрсатилган хизматлар учун Суфурталовчи томонидан муассасага тўланган ҳар бир тўлов Суфурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суфурта суммасини тўланган тўлов миқдорига камайтиради.

13.6. Суфурталовчи томонидан битта ёки бир нечта суфурта ҳодисаси бўйича амалга оширилган суфурта тўловининг/суфурта таъминотининг умумий миқдори Суфурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суфурта суммаси миқдоридан ошмаслиги лозим.

13.7. Суфурта таъминоти амалга оширилгандан сўнг, ушбу Суфурта қоидаларининг 12.6-бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг асли Суфурта қилдирувчига/Суфурта қилинган шахсга/Наф олувчига қайтарилмайди.

14-БЎЛИМ. ПОЛИСНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

14.1. Полис Суфурта қилдирувчининг ёзма аризасига биноан исталган пайтда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

14.2. Суфурта мукофотини тўлиқ/қисман қайтариш Суфурта қилдирувчи томонидан Полис Суфурталовчига қайтарилиши шарти билан ҳисобварақга (пластик картага, банқдаги ҳисобварағига ёки талаб қилиб олинадиган ҳисобварақга) пул маблағларини бир йўла ўтказиш йўли билан қўйидаги тартибда ва ҳолларда амалга оширилади:

14.2.1. agar Суфурта қилдирувчи Полиснинг амал қилиш даврининг бошланишига қадар суфурта қилишдан воз кечган бўлса, Суфурталовчи унга тўланган суфурта мукофотини тўлиқ ҳажмда қайтаради;

14.2.2. agar Суфурта қилдирувчи Полиснинг амал қилиш даврининг бошланишидан кейин суфурта қилишдан воз кечган бўлса, Суфурталовчи унга ҳали муддати ўтмаган суфурта даври учун суфурта мукофотини қайтаради;

14.2.3. agar Суфурталанган шахс хорижда бўлиши муддати ўзгарганлиги муносабати билан хориждан муддатидан аввал қайтиб келса, Суфурталовчи унга фойдаланилмаган суфурта даври учун суфурта мукофотининг 85 (саксон беш) фоизини қайтариб беради;

14.2.4. ушбу Суфурта қоидаларининг 14.3.1-14.3.2-бандларида назарда тутилган барча юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича Суфурта қилдирувчи томонидан Полиснинг қофоздаги иккита асл нусхаси тақдим этилади. Шенген битими мамлакатларида амал қилиш худудида расмийлаштирилган Полис қайтарилиган тақдирда, Суфурта қилдирувчи Европа органлари томонидан берилган, виза берилиши рад этилганлигини тасдиқлайдиган хатнинг аслини тақдим этиши лозим.

14.2.5. ушбу Суфурта қоидаларининг 14.2-бандида назарда тутилган барча юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича Полисни Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кунгача бўлган муддатга расмийлаштирилган Суфурта қилдирувчиларга суфурта мукофоти ёки унинг қисмини қайтаришда Полис амал қилиши муддатининг мазкур Суфурта қоидаларининг 4.5-бандига мувофиқ қўшимча киритилган охирги 15 (ўн беш) куни ҳисобга олинмайди.

14.3. Полис Суфурта қилдирувчининг аризасига биноан бекор қилинганда суфурта мукофотини қайтариш шундай ариза олинган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида у тўланган валютада амалга оширилади.

14.4. Суфурта мукофоти қўйидаги ҳолларда қайтарилмайди:

14.4.1. agar суфурта даври мобайнида ушбу Суфурта қоидаларида кўрсатилган суфурта ҳодисаси рўй берган бўлса ва Суфурталовчи у бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ёки бажараётган бўлса;

14.4.2. Суфурта қилинган шахснинг паспортида саёҳатга чиқиш учун амал қилувчи виза мавжуд бўлса ва Полиснинг мавжудлиги айrim ҳолатларни истисно қилган ҳолда мазкур визани олиш учун талаб этилган бўлса;

14.4.3. Суфурта қилдирувчи Полисда кўрсатилган суфурта даври тугаганидан сўнг суфурта қилишдан воз кечиши тўғрисида баён қилган бўлса.

15-БҮЛІМ. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

15.2. Полисда ва ушбу Суғурта қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича ёки унга боғлиқ бўлган, шу жумладан уни бажарилиши ёки бузилишига тааллуқли масалалар бўйича низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўради.

15.3. Низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

15.4. Агар бирор-бир юзага келган вазиятлар (ҳолатлар) Полисда ёки ушбу Суғурта қоидаларида ўз аксини топмаган бўлса, Суғурталовчи ўз ихтиёрига кўра ўзаро муросага келувчи қарор қабул қилишга ҳақли.

15.5. Суғурта қоидаларини ўзбек, рус ёки инглиз тилларида талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, Суғурта қоидаларининг рус тилидаги матни устувор кучга эга бўлади.

GROSS
INSURANCE



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ'НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ
(2024 йил 17 октябрдан жорий этилади)

FK-63/K1,2

16-бет 20-бетдан
10.10.2024 й.

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖНИНГ
2024 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДА ТАСДИҚЛАНГАН
САЁХАТЧИЛАРНИ СУФУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИГА
1-ИЛОВА

ПОЛИСНИНГ ҚОҒОЗДАГИ ВАРИАНТИ НАМУНАСИ
Полиснинг олд томони

GROSS INSURANCE LLC. Address: 6, psg. 1, Amir Temur str., Tashkent, 100000, Republic of Uzbekistan
Phone: 1166 (within Uzbekistan), +998 (71) 232-23-05 / 06; Fax: +998 (71) 232-23-07; e-mail: travel@gross.uz; www.gross.uz

САЁХАТЧИЛАРНИНГ СУФУРТА ПОЛИСИ / TRAVEL INSURANCE POLICY

NAME OF THE POLICYHOLDER Sug'urta qildiruvchi nomi / Ф.И.Ш.	POLICYHOLDER ADDRESS / PHONE # Sug'urta qildiruvchining telefon raqami / Manzili			INSURANCE AGENT # Sug'urta agentining №
FULL NAME OF THE INSURED PERSON Sug'urta qilingangan shaxsnинг исм-шарифи	PASSPORT # Pasport raqami	DATE OF BIRTH Tug'ilgan sana	SPECIAL CONDITIONS Maxsus shartlar	INSURANCE PERIOD Sug'urta davri
				from _____ dan
				to _____ gacha
DAYS OF INSURANCE Sug'urta davri kunlari				
DATE OF ISSUE Berilgan sana				
INSURANCE PROGRAM / SUM INSURED PER PERSON Sugurta dasturi / Har bir sug'urta qilingan shaxsnинг sug'urta summasi			INSURANCE PREMIUM Sug'urta mukofoti	INSURER'S SIGNATURE Sug'urtalovchi vakilining imzosi
QR-CODE QR-Kod	INSURANCE PROGRAM Sug'urta dasturi	EURO	UZS	
	HOST COUNTRY Sayohat qilish mamlakati			SIGNATURE OF THE POLICYHOLDER Sug'urta qildiruvchining imzosi*
	«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» Ajning sug'urta xizmatlari Sug'urta shartnomasi kabi yuridik kuchga ega bo'lgan ushbu Sug'urta polisiga asosan amalga oshiriladi.		* Ushbu bilan men, Sug'urtalangan shaxs tez tibby yordamga muhito emasligimni ma'lum qilaman. Sug'urta qoidalar bilan tanishdim va ularning shartlariga roziman. Sayohatchilarни sug'urtaqlash qoidalarini va GIT №0000000 raqamli sug'urta polisini oldim.	

Полиснинг орка томони

